

**ECOTOURISM AREAS OF JIZZAKH REGION AND WAYS TO USE THEM****Lochinbek G. Abduvoitov**

Student

Jizzakh State Pedagogical University

Jizzakh, Uzbekistan

ABOUT ARTICLE

Key words: Ecotourism, ecological stability, ecotourism potential, tour opportunities, recreation resources, level of development.

Abstract: In this article, proposals and recommendations for the study and comprehensive analysis of the resources of ecotourism areas and their practical use have been developed.

Received: 13.08.23**Accepted:** 15.08.23**Published:** 17.08.23**ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИНИНГ ЭКОТУРИСТИК ХУДУДЛАРИ ВА УНДАН
ФЙДАЛАНИШ ЙЎЛЛАРИ****Лочинбек Г. Абдувоитов**

Талаба

Жиззах давлат педагогика университети

Жиззах, Ўзбекистон

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: Экотуризм, экологик барқарорлик, экотуристик салоҳияти, тур имкониятлари рекреация ресурслари, ривожланиш даражаси.

Аннотация: Мазкур мақолада экотуристик ҳудудларни ресурсларини, ўрганиш ва комплекс таҳлил қилиш ҳамда улардан амалда фойдаланиш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

**ЭКОТУРИСТИЧЕСКИЕ ЗОНЫ ДЖИЗАКСКОЙ ОБЛАСТИ И ПУТИ ИХ
ИСПОЛЬЗОВАНИЯ****Лочинбек Г. Абдувоитов**

Студент

Джиззакский государственный педагогический университет

Джиззак, Узбекистан

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: Экотуризм, экологическая устойчивость, экотуристический потенциал,

Аннотация: В данной статье разработаны предложения и рекомендации по изучению и всестороннему анализу

туристические возможности, ресурсов районов экотуризма и их рекреационные ресурсы, уровень развития. практическому использованию.

КИРИШ

Хозирги кунда туризм мамлакатлар ва миллатлар ўртасидаги ўзаро ижтимоий-иқтисодий ва маданий муносабатларни янада барқарорлаштиришнинг энг мухим ҳал қилувчи омилларидан бири ҳисобланади. Мамлакатимизда туризм соҳасининг етарли даражада ва ҳар қандай хорижий мамлакатлардан қолишмайдиган имкониятларга эгаллиги, бу борада кўплаб муваффақиятларга эришишимизни таъминловчи асосий манба ҳисобланади. Ана шуларни ҳисобга олган ҳолда, мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки йилларидан то ҳозирга қадар замон талабларига жавоб берадиган туризм инфратузилмасини таркиб топтириш ва ривожлантириш борасида амалга ошириб келинаётган ислохотлар ўзининг ижобий натижаларини бериб келмоқда.

Сўнги йилларда Жиззах вилоятида туризмни ривожлантириш борасида кўплаб истиқболли ишлар амалга оширилмоқда. Экотуризм-табiiй туризм бўлиб, табиат муҳитини ҳосил қилиш ва тушинишни ўз ичига олади. Унинг менежменти шундай амалга ошириладики, натижада бу фаолият экологик, ижтимоий ва маданий жиҳатдан барқарор бўлиб, “табiiй муҳит”, маданий таркибларни, “экологик барқарорлик” маҳаллий аҳоли учун тегишлича даромадни ва фойдаланилаётган ресурсларнинг узоқ муддатли муҳофаза қилинишини ўз ичига олади.

Ўзбекистоннинг экологик хусусиятларига кўра бир томондан йирик табiiй-экологик зоналарга, бошқа томондан эса экологик-иқтисодий районлар тизимига ажратиш мумкин. Уларнинг ҳар бири ҳудудий экологик-иқтисодий ривожланишнинг маълум вазифаларига жавоб беради. Ўзбекистоннинг экологик-иқтисодий районлаштиришнинг асосини мамлакатни 3 та йирик макрозонага ва 8 та экологик-иқтисодий районга бўлиш ташкил этади. Макрозоналар мамлакат халқ хўжалиги мажмуасининг ҳудудий – зонал, экологик-иқтисодий хусусиятларини умумий таҳлил қилиш ва муаммоларини аниқлаш, ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш истиқболларини белгилаш учун ажратилади. Шу ўринда, Жиззах вилоятининг экотуристик жиҳатидан районлаштирилиши вилоятнинг иқтисодий ривожлантирилишига ва ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватланилишига асос бўлади. Чунки ҳудуднинг экологик-иқтисодий районларнинг иқтисодий районлардан асосий фарқи бунда ишлаб чиқариш кучларининг табiiй муҳитга таъсирининг ҳудудий фарқлари асосий районлаштириш мезони эканлигидадир. Ҳар бир экологик-иқтисодий район ишлаб чиқариш кучларини табиатга таъсири даражаси бўйича бошқаларидан фарқ қилади.

АСОСИЙ ҚИСМ

А. Норчаев ва Э. Раббимовларнинг “Экологик туризм” ўқув қўлланмасида экотуристлик районлаштириш зарурати ва истиқболлари ҳақида батафсил баён этилган. Шунингдек, ушбу қўлланмада Ўзбекистоннинг экотуристлик районлари баён этилган бўлиб, Жиззах вилояти Нурота ва Туркистон тоғ тизмалари экотуристлик районларининг тасарруфига киритилган. Аммо вилоятнинг ўзи экотуристлик районларга бўлиб чиқилмаган ва чуқур таҳлил қилинмаган.

Жиззах вилоятининг экотуристлик салоҳияти ва имкониятларини М. Ғўдалов, Ш. Холмуродов, М. Усмонов, М. Ғозиева ва Л. Санаева каби маҳаллий олимлар томонидан ўрганиб чиқилганлигини кўришимиз мумкин.

Тадиқотнинг асосини, вилоятнинг турли экологик муҳитлари, табиати, иқлими, рельефи ва этнографияси, рекреацион ҳамда табиий кўриқланадиган ҳудудлари ташкил қилади.

Экотуристлик район сифатида эса Жиззах вилояти Туркистон экотуристлик райониға бириктирилган бўлиб, у еда экотурларни алоҳида муҳофаза этиладиган ҳудудлар нуқтаи назаридан таҳлил этилган. Ушбу районда Туркистон тизмасининг шимолий ёнбағрида ноёб тоғ-арча экосистемаларини тиклаш ва рекреация мақсадларида фойдаланиш учун 1978 йилда “Зомин миллий табиат боғи” ташкил қилинган.

Аслини олганда вилоятнинг табиий иқлим шароити ўзига хос бўлиб, географик ўрнининг қулайлиги ва табиий рекреацион майдонларнинг кўплиги билан ҳам бошқа вилоятларидан ажралиб туради.

Вилоят майдони 21,2 минг км² ёки республика умумий майдонининг 6 % ини ташкил қилади. У Сирдарё ва Зарафшон воҳалари ўртасида жойлашган бўлиб, вилоятнинг шимолий ва шимоли-шарқий ҳудудлари текисликлардан иборат. Жануб ва жануби-шарқий томони тоғолди ва тоғ тизимларини ташкил қилади.

Жиззах вилоятининг иқлим шароити ўзига хос ва бир-биридан кескин фарқ қилувчи табиий экологик муҳитларга эга. Шулардан келиб чиқиб вилоятда экологик ва рекреация туризмини ривожлантириш учун унинг экологик-рекреация ресурсларини, яъни экотуристлик районларини қуйидагича тавсия қилиш мумкин бўлади.

I. Туркистон тоғ тизмаларидаги арча ўрмонлари ва биологик ресурслари экотуристлик райони:

- 1.1. Зомин миллий табиат боғи;
- 1.2. Зомин тоғ-ўрмон кўриқхонаси;
- 1.3. Зомин тоғ арча ўрмонлари табиати;
- 1.4. Зоминсув дарёси ҳавзаси.

II. Молгузар тоғ тизмаларидаги арча ўрмонлари билан боғлиқ табиат ландшафтлари экотуристлик райони:

- 2.1. Чумқор тоғи арча ўрмонлари табиат ландшафтлари;
- 2.2. Сангзор дарёси ҳавзаси;
- 2.3. Ойқор тоғи табиати биохилма-хил ландшафтлари.

III. Қизилқумнинг қумли чўл табиати экотуристлик райони:

- 3.1. Агроландшафтлар табиати;
- 3.2. Арнасой давлат буюртмаси (заказник) биологик ресурслари;
- 3.3. Қумли чўл табиати ландшафтлари.

IV. Айдар- Арнасой кўллари сув ҳавзаси экотуристлик райони.

V. Нурота тоғ тизмаларининг шимоли-ғарбий ҳудудидаги тоғ ўрмонлари, ёнғоқзорлар табиий ландшафтлари экотуристлик райони:

- 5.1. Нурота тоғ-ёнғоқ қўриқхонаси;
- 5.2. Нурота тоғи табиий ландшафтлари;
- 5.3. Қўйтош геоморфологик ёдгорликлар.

VI. Жиззах сув омбори ҳавзаси экотуристлик райони:

- 6.1. Жиззах шаҳридаги экологик, ижтимоий-маданий ресурслари;
- 6.2. Жиззах шаҳри атрофидаги агротуризм ва маданий ландшафтлар.

Жиззах вилояти экотуристлик районларининг туристик салоҳияти ва даражаси

№	Жиззах вилояти-нинг экотуристлик районлари	Туристлик салоҳияти	Туризмнинг ривожланиш даражаси
1	Туркистон тизмаси экотуристлик райони	Зомин миллий табиат боғи, Зомин тоғ-ўрмон қўриқхонаси, Зоминсув ҳавзаси, Зоминсув омбори, Зомин ўрмон хўжалиги.	юқори
2	Молгузар тоғи экотуристлик райони	Чумқор тоғи арча ўрмонлари табиат, Сангзор дарёси ҳавзаси, Ойқор тоғи арча ўрмонлари табиати биохилма-хиллиги.	ўртача
3	Айдар-Арнасой кўллар тизими экотуристлик райони	Агроландшафтлар, Арнасой давлат орнитология буюртмаси биологик ресурслари. Қумли чўл табиати ландшафтлари.	ўртача
4	Қизилқум экотуристлик райони	Қизилқум қумли чўл табиати, барханли ландшафтлар.	паст
5	Нурота тоғи экотуристлик райони	Нурота тоғ-ўрмон қўриқхонаси, Нурота тоғлари табиий ландшафтлари, Қўйтош геоморфологик ёдгорликлар ва қоятошлардаги қадимий расмлар.	юқори
6	Жиззахсув омбори ҳавзаси экотуристлик райони	Жиззах шаҳридаги экологик, ижтимоий-маданий ресурслари. Жиззах шаҳри атрофидаги агротуризм ва маданий ландшафтлар	паст

Юқорида келтирилган маълумотлар, тадқиқотлар натижаларидан маълум бўладики, биринчидан, вилоятда экотуризм ресурслари салоҳияти жуда катта бўлиб, туризмнинг махсус турларини ривожлантириш имкониятларига эга. Шу сабабли вилоятда экотуризмни

ривожлантиришда туристик талаб ва таклиф истеъмол муаммоларининг ечимини ишлаб чиқиш талаб қилинади.

ХУЛОСА

Жиззах вилояти экотуристик хусусиятига кўра 6 та экотуристик туманларга ажратилди. Улардаги туристик манзиллар ва туризмнинг ривожланганлик ҳолати баҳоланди. Унга кўра Туркистон, Нурота тоғлари экотуристик туманларининг туристик салоҳияти юқори бўлиб, Молгузар, Айдар-Арнасой кўллар тизимининг туризм салоҳияти ўртача ва Жиззах сув омбори, Қизилкум экотуристик районлари туризм имкониятлари паст даражада эканлиги аниқланилди. Умуман олганда, Жиззах вилоятининг ҳар бир туристик тумани тур имкониятлари ўзига хос бўлиб, улар маршрутларни нафақат маҳаллий, балки хорижий туризм бозорини таъминловчи бўлиб бормокда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 9 февралдаги “Ўзбекистон Республикасида ички ва зиёрат туризмни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 4165-сонли Фармони,
2. ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 24 февралдаги “Ички ва зиёрат туризмни ривожлантириш бўйича қўшмча чора тадбирлари тўғрисида”ги 100-сонли Қарори.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 апрелдаги «Зомин» туристик-рекреацион зонасини ва халқаро умуммавсумий курортини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6201-сон [Фармони](#).
4. ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 28 апрелидаги “Зомин” туристик - рекреацион зонаси фаолиятини ташкил этиш чора тадбирлари тўғрисида” ги 254-сон Қарорри.
5. G‘o‘dalov M. R. Jizzax viloyati tabiati va uni muhofaza qilish. - T.: “Fan va texnologiya”, 2014 y
6. G‘o‘dalov M.R., Normatova M. Jizzax viloyatining turistik hududlari. Zamonaviy ijtimoiy-iqtisodiy geografiya: yutuqlar, muammolar va istiqbollar. Respublika ilmiy-amaliy konferensiya materallari. Toshkent: 2013 y.
7. G‘o‘dalov M.R., Hazratqulov H. Jizzax viloyatida turizmni rivojlantirish istiqbollari. Geografiyaning mintaqaviy muammolari. Respublika ilmiy-amaliy konferensiya materallari. Jizzax 2017 y.
8. G‘o‘dalov M.R. Jizzax viloyatida turizmni rivojlantirishda klaster usulini tadbiq etish yo‘llari. Tafakkur ziyosi // Ilmiy-uslubiy jurnal.-2018, №2. 93-95 b.